O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 15 ноябрь, № 223 (4122) Чоршанба

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Пойтахтимиздаги «Мироб-дизайн» хусусий корхонаси салкам ўн йилдан буён Туркия ва Германия каби йирик давлатларда ишлаб чиқарилган пластмасса қувурлар, иситиш қозонлари ҳамда коммуникация тизимларининг бошқа кўплаб ускуналарини мамлакатимизга келтириш билан шуғулланади.



«Мироб-дизайн»:
ПЛАСТМАССА ҚУВУРЛАР БАРЧАГА МАНЗУР

Корхона директори Фарҳод Хўжахоновнинг айтишича, бунда пластик маҳсулотларининг сифати ва пишиқлиги бўйича жаҳонда етакчи ўринда турувчи Туркиянинг «FIRAT» компанияси билан ҳамкорлик яхши натижа бермоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида эса корхона қошида пластмасса қувурлар ишлаб чиқарадиган мини завод ишга туширилди. Унинг маҳсулотлари эндиликда четдан олиб келинаётган пластмасса қувурлардан анча арзон нархда сотилмоқда.

«Капиталбанк»нинг молиявий кўмаги ёрдамида мазкур кичик корхона Европа давлатларида ишлаб чиқарилган ҳамда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозланган. Бу ускуналар соатига 150-190 килограмм қувурлар тайёрлаш қувватига эга.

— Мамлакатимиз аҳолисини замонавий ва юқори технологик жиҳозларда тайёрланган сифатли ҳамда янги қурилиш материаллари билан таъминлашни асосий мақсад қилганмиз, — дейди корхона бош мутахассиси Абдуазиз Раҳимов. — Шунингдек, истеъмолчиларга ривожланган мамлакатларда бўлгани каби монтаж ва сервис хизматларини кафолатлашни ҳам йўлга қўймоқдамиз.

Биз бозорда «Мироб-дизайн» маҳсулотларига талаб қандайлиги билан қизиқдик.

— Ўтган йилнинг айни қиш палласида уйимиздаги иссиқлик қувурларининг ҳали у, ҳали бу ери тешилавериб, ташвишга қўйган эди, — дейди ўзини Юнусобод туманида яшовчи Алишер Ибодов деб таништирган киши. — Охири бўлмади:

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

"Демократик институтлар ривожланиши ва жараёнлари аҳволи ҳамда истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси" — Самарқандда бошланган халқаро давра суҳбатининг мавзуси ана шундай.

Анжуман Минтақавий сиёсат жамғармаси (Ўзбекистон) ва Самарали сиёсат жамғармаси (Россия) томонидан ташкил этилди. Учрашувда икки мамлакат сиёсатшунослари, экспертлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Мустақиллик демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасида Ўзбекистон учун кенг имкониятлар яратди, деди учрашувни очар экан Минтақавий сиёсат жамғармаси раҳбари С.Жўраев. Президент Ислом Каримовнинг халқ фаровонлигини оширишга, мамлакатда тинчлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган оқилона ва узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати демократик ислоҳотларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдир. Бу галги учрашувнинг мақсади — мазкур жараённинг ривожланиши билан боғлиқ масалаларда россиялик ҳамкасблар билан тажриба алмашишдан иборат.

Самарқанддаги давра суҳбати мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланганига бир йил тўлган кунларда ўтаётганида рамзий маъно бор, деб таъкидлади Россиянинг Самарали сиёсат жамғармаси бош директори К.Танаев. Икки мамлакат демократлаштириш ва сиёсий ислоҳотлар масалалари билан шуғулланувчи экспертлари ўртасида бевосита алоқалар йўлга қўйилиши Ўзбекистон ва Россия халқларининг ҳамкорлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги "кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилига асосланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар барча соҳаларда демократияни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Кўппартиявийлик тизими асосида икки палатали профессионал парламент фаолият кўрсатмоқда, бу эса қонун ижодкорлигининг самарали бўлишига хизмат қилмоқда. Қонунчилик миллий манфаатлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллашиб бормоқда. Ўсиб келаётган авлод тарбиясида, жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини оширишда, кўпгина ижтимоий вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини кенгайтиришда нодавлат ташкилотларнинг роли ортмоқда. Демократик ўзгаришларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ислоҳотларнинг узвий қисми — иқтисодиётни эркинлаштириш. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпаймоқда, фермерлик ҳаракати жадал суръатда ривожланмоқда.

Ўзбекистонда ислоҳотлар аниқ ижтимоий йўналтирилган ҳолда амалга оширилмоқда. Қатор давлат дастурлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилмоқда, мактаб таълими тизими ислоҳ қилинмоқда. Ҳудудий бандлик дастурлари изчиллик билан бажарилмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси инсон ва бутун жамият манфаатлари йўлида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот котиби Ш.Қудратхўжаев, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директорининг ўринбосари Б.Эргашев ва бошқалар ўз чиқишларида шу ҳақда гапирдилар.

Давлат ва фуқаролик жамияти ажралмасдир, деб таъкидлади Россия Федерацияси Жамоатчилик палатасининг Глобаллашув ва миллий ривожланиш стратегияси масалалари бўйича комиссияси раиси А.Мигранян. Айнан кучли давлат ҳокимияти бозор иқтисодиётини шакллантириш, ривожланган демократик тизимга ўтиш учун шароит яратишга қодир. Бу борада Ўзбекистон ва Россия тажрибаси амалий аҳамиятга эга.

Таъкидландики, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ислоҳотларнинг ўзбек модели ўзининг самарадорлиги билан халқаро ҳамкорликни, шу жумладан ЕврАзЭС, ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни, дунёнинг кўпгина давлатлари, хусусан Россия билан стратегик шерикликни кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Халқаро хавфсизлик, халқаро террорчилик ва экстремизмга қарши кураш масалаларида Ўзбекистон ва Россиянинг ёндашуви ўхшаш.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон ва Россияда фуқаролик жамияти институтларининг бугунги фаолияти ва ривожланиш истиқболларига оид масалаларни муҳокама қилдилар. Икки мамлакатда ҳам демократлаштиришнинг асоси — ушбу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини кенгайтириш эканлиги алоҳида қайд этилди. Шу маънода Ўзбекистонда азалдан мавжуд бўлган ўзига хос, ноёб ижтимоий институт — маҳалла мустақиллик йилларида, айниқса, жадал ривожланмоқда.

Халқаро учрашув давом этмоқда.

Анна ИВАНОВА,
Акбар ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Мисрликлар Ўзбекистон Президентининг ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳалари дунёнинг кўплаб мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди.

Жумладан, Мисрнинг қатор сиёсатшунослари, тадқиқотчи ҳамда оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ва сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётида тутган ўрнини юксалтиришга қаратилган янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашини билдирмоқда.

Миср Конституциясини ўзгартириш бўйича қонун лойиҳасининг муаллифларидан бири, Калюбия вилояти халқ мажлиси спикери Муҳаммад ал-Фаюмийнинг айтишича, Президент томонидан парламентга киритилган қонунларнинг лойиҳалари Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ҳамда дунёнинг етакчи мамлакатлари томонидан тўпланган парламентчилик тажрибасини татбиқ этиш йўлидан жадаллик билан бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов конституциявий ўзгаришларни илгари сурмоқда». Мисрда чоп этиладиган «Абулҳаул ад-Давлия» газетаси ана шундай сарлавҳа остида юртимиз раҳбари томонидан парламентга киритилган қонунлар лойиҳаларининг шарҳини эълон қилди.

Шу хусусда гапириб, газета бош муҳаррири Аҳмад Абдураҳмон Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистон етакчиси давлат-ҳуқуқий тизимини янада такомиллаштириш йўлида муҳим қадамлар ташлаганининг яққол исботи эканини қайд этди.

«Жаҳон» АА.
Қоҳира.

Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида "PharmExpo Uzbekistan-2006" иккинчи халқаро ихтисослашган фармацевтика кўргазмаси очилди. Кўргазмани "ZarExpo" миллий кўргазма компанияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, "Ўзфармсаноат" давлат акционерлик компанияси, "Дори-дармон" акционерлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этди.

ФАРМАЦЕВТИКА КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ

Иккинчи маротаба ўтказилаётган мазкур халқаро кўргазмани юртимизда фармацевтика соҳасида эришилаётган ютуқларнинг ўзига хос самараси дейиш мумкин. Ўтган йили кўргазмада 24 компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан қатнашган эди. Бу галги кўргазмада эса «Ўзфармсаноат» тизимида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи корхоналардан ташқари Россия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Сингапур, Чехия, Эрон, Қозоғистон, Украина, Швейцария, Арманистон каби элликдан ортиқ мамлакатдан фирма ва компания иштирок этмоқда.

Уч кун давом этадиган кўргазмада даволаш воситалари, витаминлар, қон ўрнини босувчи препаратлар, ферментлар, биологик фаол қўшимчалар, дорилар, тиббиёт ва лаборатория ускуналари, тиббий ва ўсимлик экстрактлари каби кўплаб турдаги маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

"PharmExpo Uzbekistan-2006" доирасида анъанавий «Фармбозор» кўргазма-ярмаркаси ҳам давом этмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

(ЎзА).

Янги замон одамлари
ИШБИЛАРМОН ЗАРИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2005» кўрик-танлови ғолиби — оҳангаронлик Зарифа Баҳодировани Миср давлатида бўлиб ўтадиган дунё тадбиркор аёллари йиғинига таклиф қилишганида бироз ҳаяжонланди. Чунки унинг учун бундай ишонч жуда катта масъулият дегани эди.

СУРАТДА: ҳунарманд Зарифа Баҳодирова ўзи тайёрлаган маҳсулотлар олдида.

Нил дарёси соҳилидаги меҳмонхонага жойлашган ўзбекистонлик тадбиркорлар қаторида Зарифа ҳам бўлажак анжуманда нималар ҳақида гапиришни ўйлаб ўтирарди. Беихтиёр шу кунгача босиб ўтган ҳаёт йўлини бир-бир хаёлидан ўтказди.

Унинг отаси Оқилхон бува асли Паркентнинг Сўқоқ қишлоғидан бўлиб, жуда илмли, хушахлоқ инсон эди. Тақдир тақозоси билан Оҳангаронга келиб қолгач, фарзандларининг билим олиб, бирон касб эгаси бўлишларига астойдил интилди. У ҳамма фарзандлари қатори қизи Зарифанинг ҳам ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Бир тасодиф туфайли эса ҳунармандчиликка қизиқиб қолди. Қайсидир байрамда унга мукофот билан бирга тол новдасидан ясалган саватчада гул тақдим этишди. Не ажабки, жойига келиб ўтиргач, саватча новдалари узилиб кетди ва гуллар дастурхонга сочилди. Уни ўзи авайлаб, билганича тўқиди-да, уйига олиб келгач, ҳунармандининг ишига диққат билан разм солди. Хатони топди. Шундай кунларнинг бирида «Қўлда тўқиш санъати» деган китоб қўлига тушди. Уни сотиб олиб, шу асосда нимадир қилгиси келаверди. Ахийри ўғиллари билан Оҳангарон дарёси ёқаларида ўсиб ётган тол новдаларидан бир боғ келтирди. Аввал саватча, кейинчалик эса турли стол-стуллар, сўнгра ётоқхоналар учун мебеллар ясашга киришди...

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Тошкентда 15-16 ноябрь кунлари "Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотлар" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтади. Тадбир қатор вазирликлар ва ЮНИСЕФ кўмагида "Sen Yol'giz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан ташкил этилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши борасидаги ҳақ-ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга тааллуқли қатор қонунлар қабул қилинди. Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар тузилиб, улар ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этмоқда. Жамият бошқарувида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат жамоат бирлашмалари катта роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий базаси шакланди. Бундай жамиятни барпо этиш борасидаги ишлар бугун янада фаоллашмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган демократик жамиятни шакллантиришнинг беш тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида демократик жамият ташкил этилмоқда.

Минг йиллик тарихга эга, халқ вакилларининг жамоат ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал этишда иштирок этишини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган маҳалла институти ўзини ўзи бошқариш тизимининг асосини ташкил этади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, маҳалла – ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ўзига хос кўзгуси бўлиб, унда халқимизнинг меҳр-мурувват, олиҳижаноблик, ҳар қандай кунда бирга бўлиш ва жипслашиш каби хислатлари ўз ифодасини топган.

Маълумки, фуқаролик жамияти учта – яъни, "жамият", "шахс" ва "давлат" тушунчаларига таянади. Уларнинг муштараклиги фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради. Маҳалла эса бу борада бирлаштирувчи восита ҳисобланади.

Мамлакатимизда 9941 та ана шундай ўзини ўзи бошқарадиган жамоатчилик тузилмаси – маҳалла мавжуд. Уларнинг бошқаруви таркибига маҳалла раиси, хотин-қизлар кенгаши раиси, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича маслаҳатчи, посбонлар ва фаоллар киради. Уларнинг фаолияти маҳалла аҳли фаровонлигини ошириш, жамоат тартибини таъминлаш, ёшларни миллий қадриятлар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН! АГАР СИЗ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИДАН ОРТДА ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ,

Парламент ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизда янги шаклланиб келаётган иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратишдек муҳим ва долзарб вазифани муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Яқинда Қонунчилик палатаси "Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонунни қабул қилди. Унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат, деган савол туғилади.

Тинчлик ва осойишталикнинг ҳуқуқий кафолати

Дунёда террорчилик жабрини кўрмаган мамлакат йўқ, десак хато бўлмайди. Айрим давлатларнинг алоҳида кўрган чора-тадбирлари самара бериши қийин кечяпти. Чунки, терроризм тобора халқаро миқёс касб этмоқда. Ушбу таҳдидларни ва унинг мудҳиш оқибатларини олдиндан билган Президентимиз Ислом Каримов 90-йилларнинг бошидаёқ турли халқаро мулоқотларда дунёвий муаммога айланган террорчиликка қарши биргаликда курашишга ва унинг илдизлари, молиявий манбаларини йўқотишда халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини кучайтириш лозимлигига бутун жаҳон аҳли эътиборини қаратган эди.

Терроризмга қарши курашиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун Ўзбекистонда кўплаб ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 26 августда қабул қилинган "Жиноий фаолиятдан олинадиган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги Қонун давлатимиз ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашнинг, террорчиликнинг илдизлари ва молиявий манбаларини қирқишнинг ҳуқуқий асосларидан биридир.

Президентимиз томонидан 2006 йил 21 апрелда имзоланган "Молия – иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида "хуфиёна иқтисод", "хуфиёна бизнес"нинг шаклланиш йўллари, хорижий валютанинг четга чиқиб кетиш каналлари ва кўп миқдордаги пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланиш манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш ишларининг самарадорлигини ошириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг олдини олиш ҳамда терроризмга қарши кураш йўллари белгилаб берилган. Ушбу қонун ҳужжатларида белгилаб берилган эзгу вазифаларни амалиётга татбиқ этиш, иқтисодий ва маъмурий соҳалардаги қонунийликни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси яқинда "Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилди.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда сўнгги йилларда солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йил 21 апрелда имзоланган қарорда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўтган беш йил давомида солиқ ва валютага оид 52 мингдан ортиқ қонун бузилишларини аниқлаганлиги таъкидланади. Уларнинг 13530 таси бўйича жиноий ишлар қўзғатилган ва 38887 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Кўрилган чоралар натижасида 142,9 миллиард сўм миқдоридаги моддий зарар, бюджетга қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилди. Республикага ноқонуний олиб кирилган 22,4 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Хорижий валютанинг яшириб қолиниши, четга чиқиб кетиши, ноқонуний айланиши билан боғлиқ 2420 қонунбузарлик фош этилди.

Мазкур жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги тизимдаги барча тезкор тергов, банк, бошқарув ва назорат қилувчи тузилмаларнинг иқтисодий ва молиявий соҳалардаги ҳуқуқ бузишларини ўз вақтида аниқлаш ва зарарсизлантириш бўйича комплекс ва аниқ мувофиқлаштирилган тарзда фаолият кўрсатишларини талаб қилади. Президентимиз томонидан 2006 йил 21 апрелда имзоланган "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ана шу масалаларнинг ҳуқуқий негизидир. Шунингдек, ушбу ҳужжатда солиқ, валюта, бошқа иқтисодий жиноятларга қарши курашиш ишларини ташкил этишда жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган резервлар мавжудлиги таъкидланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги қарорининг ижросини таъминлаш билан бирга "Жиноий фаолиятдан олинадиган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроия механизмини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси 13 та моддадан иборат бўлиб, унда 3 та Кодекс ва 10 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиляпти. Ўзгартиш ва қўшимчаларни шартли равишда учтага бўлиш мумкин: биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг номи ўзгарганлиги туфайли киритилаётган ўзгартишлар, иккинчиси, махсус ваколатли давлат органига тегишли ахборотни бериш шартлиги, учинчиси, ахборотларни тақдим этмаганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 15- моддасига мувофиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ мажбурий назорат қилиниши шарт бўлган операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар икки кун муддатга тўхтатиб қўйилиши ва махсус ваколатли давлат органига тегишли ахборот ўша куни етказилиши белгиланган. Ушбу механизмнинг ижросини таъминлаш мақсадида "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддаси, "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси, "Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 18- моддаси, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига ва "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддасига ҳам қўшимчалар киритилди.

Тадбиркорлар фаолияти ҳақидаги барча ахборот махсус ваколатли давлат органига юборилавермайди. Қандай ҳолатларда махсус ваколатли органга хабар берилиши эса "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида белгилаб қўйилган. Хусусан, таъкидланадики, энг кам иш ҳақининг 4000 баравари миқдорида пул келиб тушган ҳолатларда тегишли ваколатли органга хабар етказилади. Агар у жиноий фаолиятдан олинган даромадга, терроризмни қўллаб-қувватлашга дахлдор бўлмаса, у икки кун ичидаёқ ўтказиб берилади.

"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида назорат қилиниши шарт бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол — мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг махсус ваколатли давлат органига ахборот тақдим этиш мажбурияти белгиланганлиги муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176^4-моддасида ахборотларни тақдим этмаганлик учун жавобгарлик ўрнатиш, яъни мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, деб қайд этилди.

Баъзи кишилар ушбу қонунларга киритилаётган ўзгартишлар тадбиркорларнинг фаолиятини мураккаблаштиради, банк айланмаларини қийинлаштиради, деб хавфсирайдилар. Аксинча, ушбу ўзгартишлар, яъни махсус ваколатли давлат органига ахборот берилиши ҳалол ишлаётган тадбиркорларни, яъни катта суммаси бор корхоналарни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилади. Молия — иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари белгиланаётган қонун пировард натижада иқтисодий ҳамда маъмурий соҳалардаги қонунийликни таъминлашга хизмат қилади, тинчлик ва барқарор тараққиёт асоси – ривожланишнинг ўзбек моделининг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшади.

Раъно ЗАРИПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Танланг, шартнома тузинг

«Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-идорасида савдо ярмаркаси иш бошлади.

Унда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати», «Ўзғўштсутсаноат» уюшмалари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси ва турли мулк шаклидаги тадбиркорлар ўз корхоналарида ишлаб чиқарган маҳсулотларини харидорларга таклиф қилмоқдалар.

Республика улгуржи савдо ярмаркасида 2007 йилда истеъмолчиларга озиқ-овқат товарлари етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланиши кутилмоқда. Ярмарка ташкилотчиларидан олинган маълумотларга қараганда, келгуси йилга шартномалар тузиш учун 103 та саноат корхонаси иштирок этмоқда. Жумладан, «Ўзвиносаноат-холдинг», «Ўздонмаҳсулот» компаниялари ҳамда «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» ва «Ўзғўштсутсаноат» уюшмалари тасарруфидаги корхоналардан 91 та таклиф тушган.

Саноат корхоналари ва хусусий тадбиркорлар томонидан 2007 йилда ишлаб чиқарилиши кутилаётган жами 146 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларининг тақдим этилгани эса мазкур ярмарканинг нуфузи тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

Баҳодир РУСТАМОВ.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

ПЛАСТМАССА ҚУВУРЛАР БАРЧАГА МАНЗУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

алмаштирганимга икки йил ҳам бўлмаган темир қувурлар ёрилиб кетди. Шундан кейин таниш-билишларнинг маслаҳати билан «Мироб-дизайн» қувурларини харид қилдим. Нархи унча қиммат эмас, яъни чўнтакбоп, муҳими, чидамли экан. Ахир, 50 йиллик кафолати бор-да.

— Мени ҳам анчадан бери шундай муаммо қийнаб келарди, — дейди чуқурсойлик Нодир Мирпўлатов. — «Мироб-дизайн» корхонасининг иссиқ ва совуқ сувга мўлжалланган пластмасса қувурларини ўрнатдим-у, ташвишдан қутулдим.

Тошкент давлат кимё-технология институти профессори, кимё фанлари доктори М. Алимуҳаммедов ҳам полиэтелин қувурлар темир қувурлардан нисбатан пишиқ ва афзаллигини таъкидлади.

— Бундай қувурлар коррозияга чидамлилиги, узоқ йилларга хизмат қилишга мўлжалланганлиги, экологик тозалиги ҳамда ўзидан ҳеч қандай ҳид чиқармаслиги жиҳатлари билан харидорларга маъқул бўлмоқда, — дейди суҳбатдошимиз.

Ҳозирги кунда Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус, Наманган, Қўқон ва Андижон шаҳарларида «Мироб-Дизайн»нинг дўконлари ва дилерлари фаолият кўрсатмоқда. Бу унинг мамлакатимиз бозорида тобора ўз ўрнига эга бўлиб бораётганидан далолат беради.

— Республикамиз аҳолисини замон талаб-

ларига жавоб берувчи пластмасса қувурлар билан таъминлаш мақсадида ишни уч сменада ташкил этганмиз, — дейди Абдуазиз Раҳимов. — Элликка яқин киши меҳнатининг маҳсули эса пешма-пеш истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Келгусида бу ерда ҳар хил фитинглар ва коммуникация тизимининг бошқа турдаги кўплаб маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, маҳсулот сифатини муттасил назорат қилиб борадиган лабораторияни очиш, пластмасса қувурларни экспортга чиқариш ҳам режалаштирилган. Ҳозиргача Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларидан тушган дастлабки таклифлар эса ана шу режаларнинг тезроқ рўёбга чиқишидан дарак бераётир.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу Президент Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, маҳаллалар бу борада катта маърифий ишларни амалга оширмоқда, ёшларда ўз Ватани билан фахрланиш ва унинг тақдири учун жавобгарлик ҳиссини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Халқимизда фарзандни нафақат дунёга келтириш, балки уни муносиб шахс этиб тарбиялаш ота-онанинг муқаддас бурчидир, деган ҳикмат бор. Оила, мактаб ва маҳалланинг яқин ҳамкорлиги болалар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш имконини бермоқда. Шундай бўлса-да, республикамизда 4038 нафар тарбияси оғир ўсмир рўйхатга олинган. Улар мактаблар ва маҳаллалардаги турли тўгаракларга жалб этилмоқда. Маҳаллаларда ота-онасиз болалар, оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, васийликка берилган ва бошқа болалар билан тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда тарбияси қийин болалар билан ишлаш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятининг Янгийўл, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида ҳам шундай марказлар ишлаб турибди. Бундан ташқари, "Ота-оналар университетлари" фаолият юритмоқда. Таълим муассасалари қошидаги ота-оналар қўмиталари ҳам фарзандлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш учун маҳалла, мактаб ва оила ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Болалар ва серфарзанд оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳукуматимиз сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрда қабул қилинган "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги фармони муҳим роль ўйнамоқда. Вазирлар Маҳкамаси ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Ушбу қарорда болали оилаларга нафақа тўлаш вазифаси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилди. Бугун 1 миллион 727 минг кам таъминланган оила 18 ёшгача бўлган фарзандлари учун нафақа олаяпти.

Маҳаллаларда 2006 йилнинг 9 ойида ҳашар йўли билан ва ҳомийлар ёрдамида 50 дан ортиқ спорт иншооти қурилди, 400 та спорт майдончаси ишга туширилди.

Жорий йилда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт машғулотларига жалб қилиш мақсадида "Маҳалла" жамғармаси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда анъанавий "Футболимиз келажаги", "Соғлом оила", "Маҳалла паҳлавонлари", "Шахмат ва шашка" мусобақаларини ўтказди. Уларда 944 минг нафар бола иштирок этди. Қарийб 2 миллион нафар ўсмир турли спорт тўгаракларида қатнашмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун соғломлаштириш муассасаларига бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Қаровчисиз қолган ва имконияти чекланган болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудий дастурлар асосида ва маҳаллий ҳокимият органлари кўмагида бундай болаларнинг истеъдодини ривожлантириш, касб эгаллаши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Болага етти қўшни – ота-онадир, деган гап бор. Оилалар миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда қаровчисиз қолган болаларни ўз қарамоғига олиш, уларга васийлик қилиш ва патронаж масалаларида муҳим роль ўйнаяпти. Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларида бешта оилавий болалар уйи ташкил этилган. Республикада 27 минг нафардан ортиқ бола фарзандликка, 36 минг нафари васийликка олинган ва 297 нафар ўғил-қизни эса оилалар тарбияламоқда. Бундай оилаларга маҳаллалар ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

"Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйларида тарбияланаётган болалар учун маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари томонидан ҳомийлар ёрдамида байрам совғалари ва ранг-баранг тадбирлар уюштириш яхши анъанага айланган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳодимларининг малакасини ошириш мақсадида семинарлар ўтказилмоқда. Маҳаллалар фаоллари ота-оналарга болаларни тўғри тарбиялаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, таълим олишини ташкил этишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Маҳаллада яшаётган ҳар бир фуқаронинг хатти-ҳаракати барчанинг кўз ўнгида бўлади. Фуқаронинг хулқ-атвори яхши бўлса, кўпчилик унга ҳавас қилади, ҳуқуқбузарлик ёки ножўя хатти-ҳаракат эса қўни-қўшниларда эътироз уйғотади. Маҳаллада яшашнинг анъана ва қоидалари шундай бўлиб, улар ёшларнинг маънавий ва жисмоний камол топишида муҳим омил бўлади.

Анвар АҲМЕДОВ,
Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси.

/ЎзА/

ИШБИЛАРМОН ЗАРИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Меҳмонхонанинг фойесида уни кимдир кутаётганини айтишди. Зарифа «Бу қандай меҳмон бўлдийкин?» деб пастга тушди. Меҳмон ўзини «Хода Галал Ясса хоним, Миср Тадбиркор аёллар уюшмасининг раиси Ўринбосариман» деб таништирди ва Зарифага қучоғини очди. Унинг қўлида Зарифа Баҳоронлик оддий ҳунарманд Зарифа Баҳодирова мисрлик тадбиркор аёлларнинг олқишларига, гулларига кўмилиб меҳмонхонага қайтди. Эртаси куни ўзбекистонлик тадбиркор аёллар номидан катта йиғинда фахр ва ифтихор билан ўз ишларидан сўзлаб берди.

— Оддий ҳунарманд меҳнатини дунёга достон қилиш учун юртнинг бағри кенг бўлиши керак. Қайси тадбиркорликнинг иш фаолиятидан намуналар келтирилган китобча турарди.

— Тадбиркор аёлларнинг бошини силаб, уларга кенг йўл очиб бераётган юртингиз учун, синглим, келинг, яна бир бағримга босай, — деб Зарифага яна қучоқ очди.

Ўртадаги бу ҳаяжон таржимонга ҳам ўтди, шекилли, у ҳам кўзлари чақнаб, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб етказарди. Ясса хоним Зарифани ўз ишхонасига таклиф этди ва кўчада турган машина рулига ўзи ўтирди.

— Ясса хоним сиздек табаррук меҳмонларни бошқаларга ишонмагани учун рулга фақат ўзлари ўтиради, — деди таржимон унинг хатти-ҳаракатларини изоҳлагандек.

Тадбиркор аёллар уюшмасида бўлган сухбатда улар Зарифадан оддий тол новдаларидан санъат даражасидаги мебелларни қандай ясаётганликлари билан қизиқишди. Зарифанинг мана бу гапи хорижликларга жуда ёқди:

— Президентимиз доимо тадбиркорлар тарафида. Ҳар бир ишимизга ўзлари кенг йўл очиб бермоқдалар. Айниқса, аёлларга эътибор ўзгача.

Зарифа Ясса хонимнинг устига бухороча зар тўн ёпиб, бошларига дўппи кийдириб қўйганидаги ҳайратни эса сўз билан ифода қилиб бўлмайди.

Хуллас, шу куни оҳангадированинг иш фаолиятидан намуналар келтирилган китобча турарди.

— Тадбиркор аёлларнинг бошини силаб, уларга кенг йўл очиб бераётган юртингиз учун, синглим, келинг, яна бир бағримга босай, — деб Зарифага яна қучоқ очди.

Ўртадаги бу ҳаяжон таржимонга ҳам ўтди, шекилли, у ҳам кўзлари чақнаб, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб етказарди. Ясса хоним Зарифани ўз ишхонасига таклиф этди ва кўчада турган машина рулига ўзи ўтирди.

— Ясса хоним сиздек табаррук меҳмонларни бошқаларга ишонмагани учун рулга фақат ўзлари ўтиради, — деди таржимон унинг хатти-ҳаракатларини изоҳлагандек.

Тадбиркор аёллар уюшмасида бўлган сухбатда улар Зарифадан оддий тол новдаларидан санъат даражасидаги мебелларни қандай ясаётганликлари билан қизиқишди. Зарифанинг мана бу гапи хорижликларга жуда ёқди:

— Президентимиз доимо тадбиркорлар тарафида. Ҳар бир ишимизга ўзлари кенг йўл очиб бермоқдалар. Айниқса, аёлларга эътибор ўзгача.

Зарифа Ясса хонимнинг устига бухороча зар тўн ёпиб, бошларига дўппи кийдириб қўйганидаги ҳайратни эса сўз билан ифода қилиб бўлмайди.

Хуллас, шу куни оҳангадированинг иш фаолиятидан намуналар келтирилган китобча турарди.

— Тадбиркор аёлларнинг бошини силаб, уларга кенг йўл очиб бераётган юртингиз учун, синглим, келинг, яна бир бағримга босай, — деб Зарифага яна қучоқ очди.

Ўртадаги бу ҳаяжон таржимонга ҳам ўтди, шекилли, у ҳам кўзлари чақнаб, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб етказарди. Ясса хоним Зарифани ўз ишхонасига таклиф этди ва кўчада турган машина рулига ўзи ўтирди.

— Ясса хоним сиздек табаррук меҳмонларни бошқаларга ишонмагани учун рулга фақат ўзлари ўтиради, — деди таржимон унинг хатти-ҳаракатларини изоҳлагандек.

Тадбиркор аёллар уюшмасида бўлган сухбатда улар Зарифадан оддий тол новдаларидан санъат даражасидаги мебелларни қандай ясаётганликлари билан қизиқишди. Зарифанинг мана бу гапи хорижликларга жуда ёқди:

— Президентимиз доимо тадбиркорлар тарафида. Ҳар бир ишимизга ўзлари кенг йўл очиб бермоқдалар. Айниқса, аёлларга эътибор ўзгача.

Зарифа Ясса хонимнинг устига бухороча зар тўн ёпиб, бошларига дўппи кийдириб қўйганидаги ҳайратни эса сўз билан ифода қилиб бўлмайди.

Хуллас, шу куни оҳанга-

кор борки, юртимизда доимо қўллаб-қувватланади. Бунга менинг ҳаётим, иш фаолиятим бир намунадир, — деди у.

Зарифанинг тол новдасидан ясалган бежирим, кўзга завқ берадиган стол-стуллари, жовонлари, турли кўринишдаги буюмларини ҳозир пойтахтимиздаги турли кафе, чойхоналарда учратиш мумкин. Жумладан, «Шум бола», «Жиззах таомлари», «Табассум» кафе-чойхоналарда хўрандалар кўзини қувонтираётган ошхона жиҳозлари ҳунармандинг меҳнат маҳсулидир.

Зарифа бугунги кунда эгилувчан ва қаттиқ тол новдаларини яратиш йўлида ҳам изланишлар олиб бормоқда. Катта ўғли Жаҳонгир олий маълумотли ўрмоншунос, Неъматжон эса ишлаб чиқариш цехига бошчилик қиладиган. Маҳсулотларига дунёнинг ўндан ортиқ давлатларидан талаб бор.

— Келажакдаги ниятим «Ҳунарманд мактаби»ни очишдир. Ҳозир уйда ўтирган хотин-қизлар ва йигитлардан 40 нафарга яқинини иш билан таъминладик. Маҳсулотларимиз турлари ҳам 50 дан ошди. Бундан ташқари, ўқув курслари ташкил этганмиз. Бу ишларимизнинг ҳаммаси келажакда очиладиган ҳунарманд мактабига қўйилган пойдевордир, — дейди сухбатдошимиз.

Ҳамид НОРҚУЛ.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳозлари ҳамда ишлаб чиқариш технологиялари иккинчи халқаро кўргазмаси иш бошлади.

ТОШКЕНТ ЯНА ФЕРМЕРЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

16 ноябрга қадар давом этадиган мазкур тадбир "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси ҳамда Савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил қилинди. Унда юртимиз вакилларидан ташқари Россия, Польша, Германия, Италия, Голландия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатлардан 40 га яқин компаниялар иштирок этмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ялпи ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бораётир. Масалан, биргина жорий йилнинг тўққиз ойи натижаларига кўра, бу борадаги ўсиш суръатлари ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 107,1 фоизни ташкил этди. Хўш, бунга қандай қилиб эришилмоқда? Албатта, фермер хўжаликларини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани ютуқларнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ серқуёш заминимизда ушбу муваффақиятлар ҳали чегара, дегани эмас. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун имкониятлар бисёр ва бунда замонавий техника ҳамда технологиялар кучидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хабарингиз бор, Президентимиз ташаббуси билан яқинда Тошкентда қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Ана шу нуфузли тадбирда қатнашиш, намойиш этилаётган замонавий техника ва технологиялар имконияти билан яқиндан танишиш мақсадида республикамиз вилоятларидан 4 минг нафардан ортиқ фермерлар ташриф буюришди. Улар томонидан 7 мингта, умумий қиймати 198 миллиард сўмдан ошиқ шартномалар ҳамда келишув баённомалари имзоланди. Бу кўргазма-савдонинг самарали ўтгани ва фермерларнинг унга алоҳида қизиқиш билдирганликларининг ёрқин намуносидир.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳозлари ҳамда ишлаб чиқариш технологиялари иккинчи халқаро кўргазмасини ана шу тадбирнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Сабаби, юртимиз аграр тармоғида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, соҳага янги технологияларни жалб этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари бозорини такомиллаштиришга қўмаклашиш мазкур кўргазманинг асосий мақсади ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу тадбирда унинг илк иш кунидаёқ республикамиз вилоятларидан кўплаб фермерлар қатнашмоқда. Уларга юртимиз ва хорижий компаниялар вакиллари ўзлари таклиф этаётган техника ва технологиялар имконияти ҳақида батафсил маълумот беришмоқда.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ДУНЁДА ВА МАМЛАКАТИМИЗДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ҲАР КУНГИ ВОҚЕАЛАРДАН ХАБАРДОР БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ,

ЖАҲОН 24 соат ичида

Тони Блэр Сурия ва Эрон расмийлари билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди. Буюк Британия Бош вазирининг сўзларига қараганда, ўтказиладиган ушбу музокаралар Яқин Шарқдаги тинчлик ўрнатиш жараёнларига, хусусан, Ироқда барқарор вазиятни юзага келтириш, Фаластин-Исроил ва Ливан-Исроил ўртасидаги зиддиятнинг ечим топишида катта аҳамият касб этиши мумкин.



Олимлар тез орада Ер юзида ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиш хавфи бартараф бўлишини башорат қилишмоқда. Турли мамлакатлар олимларидан иборат тадқиқотчилар гуруҳи энг катта ўрмонлар жойлашган 50 та мамлакатдаги аҳволни таҳлил қилишгандан сўнг шундай хулосага келишди. 22 та мамлакатда сўнгги 15 йил давомида ўрмон ҳудуди кенгайган.

Consumer Reports 2006 йилнинг энг ишончли автомобиллари рейтингини эълон қилди. Машиналарнинг сифати ва замонавийлиги ҳамда жаҳон автомобиль бозорида харидоргирлиги билан Японияннинг Toyota компанияси биринчи ўринни эгаллади. Ишончли машинага қўйиладиган 47 та талабнинг 21 таси айнан Toyota маҳсулотларида мужассам экан. Ҳозирда японияник машинасозлар 39 та талабни бажариш учун ҳаракат қилишмоқда.

БМТ ваколатхонаси Шри-Ланка ҳукуматини айблаб чиқди. Бунга кўра, ҳукумат "Тамил йўлбарслари" жангариларининг болалардан аскар сифатида фойдаланишига йўл қўйиб бермоқда. БМТнинг юқори мартабали вакилининг айтишича, ҳукумат кучлари ҳам исёнчилар билан биргаликда болалардан қуролланган гуруҳ тайёрлашмоқда. Шри-Ланка ҳукумати бу айбловни рад этди. Шунга қарамай мамлакат президенти Махинда Ражапаксе мазкур айблов юзасидан кенг кўламли текширувлар олиб борилишига ваъда берди.

Airbus компанияси А380 самолётини охирги синовдан ўтказишни бошлади. Мазкур русумдаги самолёт дунёдаги энг кўп йўловчини ўзида сиғдира олади. Учувчилар 17 кун давомида мазкур самолётда Сингапур — Сеул — Тулуза йўналиши бўйича парвозни амалга оширадилар. Синовлар муваффақиятли ўтса, А380 самолётини ишлаб чиқаришга рухсат берилади.

Владикавказдаги энг гавжум ресторанлардан бирида портлаш юз берди. Жанубий Осетия ҳуқуқ-тартибот идораларининг маълум қилишича, ушбу қўпорувчиликдан ҳеч ким жабр кўрмаган, лекин бинога жиддий зарар етган. Айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мазкур воқеа сабабларини ўрганишмоқда.



Шимолий Корея АҚШ ҳукуматидан Жанубий Кореяга жойлаштирган ядровий қуролларни зудлик билан олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқда. Расмий Пхеньян вакилининг сўзларига қараганда, айни пайтда америкаликлар Жанубий Кореяга 1000 та ядро каллакларини келтирган.

Ливан Рафиқ Ҳаририй ўлимини текшириш юзасидан халқаро трибунал ташкил қилишни тасдиқлади. "Ҳаретз" газетаси Ливан ҳукуматидан олинган маълумотга таяниб бу ҳақда хабар тарқатди. Вазирлар Маҳкамаси мамлакат президенти Эмил Лахуд норозилигига қарамай шундай қарор чиқарди.

2007 йилда Хитойнинг иқтисодий ўсиши 9,5 фоизни ташкил этади. Бу охирги тўрт йилдаги Ялпи миллий маҳсулот ўсишида энг паст кўрсаткичдир. Бу ҳақда ривожланиш ва ислоҳотлар Комиссияси аъзоси маълум қилди. 2005 йилда Хитой Коммунистик партияси бош котиби Ху Цзиньтао 2020 йилга бориб ЯИМ ҳажми тўрт баробарга ошишини маълум қилганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Яқинда бир гуруҳ ўзбек мутахассислари Хитой Халқ Республикасининг Гуанжо провинциясида мунтазам ўтказиладиган эксперт салоҳияти қўргазмасида қатнашдилар. Улар орасида пойтахтдаги «MEDIOFARM» ишлаб чиқариш-фармацевтика фирмаси бош директори Х.О.Баҳодиров ҳам бор.

Хайрулла БАҲОДИРОВ:

«ХИТОЙДА ЯНГИ ҲАМКОРЛАР ОРТТИРДИК»

— Қўргазма бизни ғоят ҳайратда қолдирди, — дейди Хайрулла Омонуллаевич ўз таассуротлари билан ўртоқлашаркан. — Миқёси, қатнашчилар сони ва ташкил этилган сервиси бўйича ҳам. Ҳаммаси юксак даражада ўтказилди. Бу муҳим тадбирда 15-18 мингга яқин фирмалар, жумладан, фармацевтика соҳаси учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам иштирок этгани, қатнашчилар сони эса деярли 3 миллион кишига етгани бунинг тасдиғидир.

— Тил масаласи қандай ҳал этилди?

— Тан олиш керак, айнан шу масала самолётдаёқ муайян хавотир туғдирганди. Бироқ манзилга етиб боргач, делегациямизга яқинда XXРда очилган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ваколатхонаси раҳбари Ҳикмат Абдураҳмонов, унинг ўринбосари Музаффар Қосимов, етакчи мутахассис Даврон Зиёмуҳаммадов хитой ва бошқа хорижий тилларда сўзлашувда бизга ғоят катта ёрдам беришди. Улар бизни яхши кутиб олишиб, меҳмонхонага жойлаштиришди, қўргазма павильонларида доимо ҳамроҳ бўлиб, мавжуд асбоб-ускуналар ҳақида маълумот бериб туришди.

Хитой Халқ Республикасида очилган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ваколатхонаси ходимлари икки мамлакат ишбилармонлари ва саноатчилари ўртасида алоқалар ўрнатибгина қолмасдан, шартномалар тузиш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда ҳам кўмаклашгани бизни мамнун этди.

— Одатда шундай йирик қўргазмаларда қатнашиш ишбилармонлар учун керакли асбоб-ускунани танлаш соҳасида катта имкониятлар яратади. Лекин, афсуски, ҳаммада ҳам бевосита қўргазмадаёқ воситачи тузилмалардан фойдаланмаган ҳолда шартнома тузиш учун молиявий имконият бўлавермайди. Нима дедингиз?

— Ушбу йўналишда ишбилармонларни «Ўзбеклизинг» компанияси яхши қўллаб-қувватламоқда. Хитойга сафаримиз арафасидаёқ унинг мутахассислари лизинг асосида асбоб-ускуна харид қилиш бўйича бизнинг таклифларимизни кўриб чиқиб, мақбул фоизли қўйилма бўйича маблағ ажратишга рози бўлишган. Ўз эзгу ғояларини кундалик ҳаётга татбиқ этишни истаётган ўзбекистонликлар учун бу катта мадад, албатта.

— Хитой Сизда қандай таассурот қолдирди?

— Хитой бамисоли улкан қурилиш майдоники, унда миллионлаб кишилар ўз мамлакатини боғ-шаҳарга айлантириш йўлида кечаю кундуз меҳнат қилишмоқда. Бу мамлакатда транспорт, алоқа тизими яхши ривожланган, ҳашаматли меҳмонхоналар, улкан савдо марказлари мавжуд.

— Сўнгги савол. Сизнингча, Хитой Республикасида ҳозир амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг омиллари нима?

— Биринчи омил — бу халқнинг ҳақиқий меҳнатсеварлиги. Фикримча, хитойликлар, ўз табиатига кўра, меҳнаткашлик «дарди»га чалинишган. Уларда дам олиш кунлари йўқ ҳисоб. Аҳоли ҳаёт даражасининг юксаклиги, иқтисодий муваффақиятлар ҳам шундан. Билимга ва малакага эга ҳар бир киши Хитойда ўз ишини бошлаши ва фаровон яшаши мумкин. Ҳар бир хитойликнинг юзидаги табассум унинг бугунги ҳаётидан кўнгли тўлгани ва дунёни ўз ютуқлари билан ҳайратда қолдиришга тайёр эканлигини кўрсатиб турибди. Биз ҳам улардек ишласак, Ўзбекистонимиз ҳам энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига асло шубҳа қилмайман.

А. СЕРГЕЕВ.

Диққат! Диққат! 15 ноябрдан 17 ноябргача

ТОШКЕНТ ШАҲАР, ОЛМАЛИҚ ҲАЛҚАСИ, 1 МАНЗИЛИ БЎЙИЧА ЖОЙЛАШГАН «РОҲАТ» АВТОСАЛОНИДА «ЎЗАВТОСАНОАТ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СОҲА КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН НООЗИҚ-ОВҚАТ, ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ

САВДО ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Сизни қизиқтирган барча саволлар бўйича маълумотларни 360-71-56, 360-27-58 телефонлари орқали олишингиз мумкин.

ASAKA BANK

PerfectumMobile CDMA Dreams Come True!

SMS-банкинг

ИШБИЛАРМОН ИНСОНЛАР УЧУН МОБИЛ ХИЗМАТИ

Банк сизнинг мобил телефонингизда

SMS-банкинг

қулай
тез
осон

Хизматлар лицензияга эга.

Батафсил маълумотларни қуйидаги рақамлар орқали олишингиз мумкин:
120-82-88, 120-82-82

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ВА ҲУКУМАТИ МУАССИС БЎЛГАН «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО» ГАЗЕТАЛАРИГА АЙНИ ШУ КУНЛАРДА ОБУНА БЎЛИНГ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

илмий-тадқиқот муассасалари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимлари ҳузуридаги аспирантура ва докторантураларга 2007 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

АКАДЕМИК ВСЕВОЛОД ИВАНОВИЧ РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *математик анализ; дифференциал тенгламалар; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика мутахассисликларига.*

Докторантурага: *эҳтимоллар назарияси ва математик статистика мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 29-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-73-57.

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; радиокимё мутахассисликларига.*

Докторантурага: *атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек қўрғони.

Қабул комиссияси телефони: 150-30-70.

АКАДЕМИК СОДИҚ АЗИМОВ НОМИДАГИ «ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *қаттиқ жисм физикаси; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар мутахассисликларига.*

Докторантурага: *ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, F.Мавлонов кўчаси, 2-«Б» уй.

Қабул комиссияси телефони: 133-12-71.

АКАДЕМИК УБАЙ ОРИФОВ НОМИДАГИ ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *физикавий электроника мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 33-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-79-40.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *астрофизика, радиоастрономия мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Астрономия кўчаси, 33-уй.

Қабул комиссияси телефони: 135-06-38.

ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

Аспирантурага: *иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; лазер физикаси; ночизиқли динамика ва хаос мутахассисликларига.*

Докторантурага: *иссиқлик физикаси ва молекуляр физика мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 29-уй.

Қабул комиссияси телефони: 366-90-49.

«АКАДЕМАСБОБ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: *оптика мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони: 162-72-73.

АКАДЕМИК МУҲАММАД ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; механизмлар ва машиналар назарияси; қишлоқ хўжалик ва гидромелиорация машиналари мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони: 162-71-32.

ЗАМОНАВИЙ ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИЛМИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ ИНФОРМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *тизимли таҳлил, бошқарув ва маълумотларни қайта ишлаш; математик моделлаштиришнинг назарий асослари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари мутахассисликларига.*

Докторантурага: *тизимли таҳлил, бошқарув ва маълумотларни қайта ишлаш мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 34-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-72-47.

ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *энергетика тизимлари ва мажмуалари; қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони: 162-05-22.

АКАДЕМИК СОБИР ЮНУСОВ НОМИДАГИ ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *органик кимё; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 77-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-59-13.

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *полимерлар физикаси; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; ёғочни кимёвий қайта ишлаш технологияси ва ускуналари, ёғоч кимёси мутахассисликларига.*

Докторантурага: *юқори молекуляр бирикмалар кимёси мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«Б» уй.

Қабул комиссияси телефони: 142-85-49.

АКАДЕМИК ОБИД СОДИҚОВ НОМИДАГИ БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 83-уй.

Қабул комиссияси телефонлари: 162-70-62, 162-70-63.

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *коллоид ва мембрана кимёси; анорганик моддалар технологияси; кимёвий технология ускуналари ва жараёнлари; силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси мутахассисликларига.*

Докторантурага: *анорганик моддалар технологияси мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри. Мирзо Улуғбек тумани. Ҳ.Абдуллаев кўчаси. 77-«А» уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-56-60.

АКАДЕМИК ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *петрография, вулканология мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Н.Хожибоев кўчаси, 49-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-65-16.

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *микробиология; биотехнология мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«Б» уй.

Қабул комиссияси телефони: 144-25-19.

«БОТАНИКА» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Аспирантурага: *ботаника мутахассислигига.*

Докторантурага: *ботаника мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-70-65.

БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *биокимё мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 56-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-24-41.

ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *биофизика; одам ва ҳайвонлар физиологияси мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, А.Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Қабул комиссияси телефони: 396-95-17.

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *зоология мутахассислигига.*

Докторантурага: *зоология мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, А.Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Қабул комиссияси телефонлари: 396-07-18, 396-09-00.

ИММУНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *аллергология ва иммунология мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Яҳё Ғуломов кўчаси, 74-уй.

Қабул комиссияси телефони: 133-08-55.

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *ўсимликлар физиологияси; генетика; молекуляр генетика мутахассисликларига.*

Докторантурага: *генетика мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Қибрай тумани, Юқориюз қишлоғи.

Қабул комиссияси телефони: 64-23-90.

СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *гидравлика ва муҳандислик гидрологияси; қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрокимё мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони: 169-12-70.

ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *иқтисодий назария; макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт; аҳолишунослик ва меҳнат иқтисоди мутахассисликларига.*

Докторантурага: *макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Боровский кўчаси, 5-уй.

Қабул комиссияси телефони: 133-14-78.

АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *ижтимоий фалсафа; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ; жиноят ва жазо ҳуқуқи, криминология, аҳлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи мутахассисликларига.*

Докторантурага: *ижтимоий фалсафа мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-38-87.

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *Ўзбекистон тарихи; этнология (этнография); тарихнавислик, манбаашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассисликларига.*

Докторантурага: *Ўзбекистон тарихи; тарихнавислик, манбаашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-38-73.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *ҳозирги миллий адабиёт; миллий адабиёт тарихи; фольклоршунослик; ўзбек тили мутахассисликларига.*

Докторантурага: *миллий адабиёт тарихи мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефонлари: 162-42-64, 162-43-67.

БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *умумий тарих; тарихнавислик, манбаашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассисликларига.*

Докторантурага: *умумий тарих; тарихнавислик, манбаашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассисликларига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 81-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-54-61.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

Аспирантурага: *адабий манбаашунослик ва матншунослик мутахассислигига.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 69-уй.

Қабул комиссияси телефони: 142-02-75.

САМАРҚАНД БЎЛИМИ БЎЙИЧА: МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР КОМПЛЕКСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *математик физика; суюқлик, газ ва плазма механикаси; ботаника мутахассисликларига.*

Манзил: Самарқанд шаҳри, Темур Малик кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони: 8-3662-33-19-94.

АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *археология мутахассислигига.*

Манзил: Самарқанд шаҳри, В.Абдуллаев кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони: 8-3662-32-15-13.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ БЎЙИЧА: ТАБИИЙ ФАНЛАР КОМПЛЕКСИ

Аспирантурага: *органик кимё; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси мутахассисликларига.*

Манзил: Нукус шаҳри, Бердах шоҳкўчаси, 41-уй.

Қабул комиссияси телефони: 8-361-222-10-76.

БИОЭКОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *ботаника; экология мутахассисликларига.*

Манзил: Нукус шаҳри, Бердах шоҳкўчаси, 41-уй.

Қабул комиссияси телефони: 8-361-222-10-76.

НАЖИМ ДАВКАРАЕВ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *миллий адабиёт тарихи (қорақалпоқ адабиёти); фольклоршунослик; туркий тиллар (қорақалпоқ тили) мутахассисликларига.*

Манзил: Нукус шаҳри, Тўрткўл шоҳкўчаси, 179-«А» уй.

Қабул комиссияси телефони: 8-361-222-10-76.

ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: *археология мутахассислигига.*

Манзил: Нукус шаҳри, Тўрткўл шоҳкўчаси, 179-«А» уй.

Қабул комиссияси телефони: 8-361-222-10-76.

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Аспирантурага: *биокимё; ўсимликлар физиологияси мутахассисликларига.*

Манзил: Хива шаҳри, Марказ-1.

Қабул комиссияси телефони: 8-362-375-71-00.

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

Аспирантура ва докторантураларга иқтидорли ёшларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.

ҲУЖЖАТЛАР 15 НОЯБРДАН 5 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 5 декабрдан 25 декабргача танлов асосида ўтказилади.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

- мутахассислик;

- фалсафа;

- чет тилларидан бири;

- Ўзбекистон тарихи;

- информатика.

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳони бошқа фанлардан олдин топширилади.

Докторантурага кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий-муассаса кенгашининг қарорига биноан ўқишга қабул қилинадилар.

АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА КИРУВЧИЛАР ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ РАИСИ НОМИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИЛОВА ҚИЛГАН ҲОЛДА АРИЗА БЕРАДИЛАР:

- ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳол;

- иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юборилгаган шахслар учун тавсиянома);

- эълон қилинган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати (белгиланган шакл бўйича).

Илмий ишлари эълон қилинмаган шахслар танланган мутахассисликлар бўйича илмий маърузалар (рефератлар) тақдим этадилар.

- аспирантурага бевосита олий ўқув юртини тугатганидан кейин тавсия этилган мутахассислар учун олий ўқув юрти (факультети) илмий кенгаши мажлисининг баённидан кўчирма;

- олий ўқув юртини тугатганлик (магистрлик) тўғрисидаги диплом нусхаси;

- кириш имтиҳонларининг топширилганлиги (мавжуд бўлса) тўғрисидаги гувоҳнома;

- меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

- 086 шаклдаги тиббий маълумотнома.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар аспирантлар ётоқхонасида жой билан таъминланадилар.

Аспирантурага 30 ёшгача бўлган магистрлар ҳамда олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, ўрта мактаблар, коллеж ва лицейларда ишловчи иқтидорли ўқитувчилар қабул қилинади.

Аспирантурага кириш истагини билдирган ёш мутахассислар олий ўқув юртини тугатганларидан кейин танланган мутахассисликлари бўйича камида бир йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлишлари шарт.

Аспирантурага кирувчи номзодларнинг мутахассислиги олий ўқув юрти мутахассислигига мос келиши ҳамда баҳоларнинг ўртача кўрсаткичи "4" (тўрт)дан паст бўлмаслиги лозим.

Номзодлик имтиҳонларини қисман ёки тўлалигича топширган шахслар, агар номзодлик имтиҳонларини топширган кундан 5 йил ўтмаган бўлса, аспирантурага киришда имтиҳонларни топширишдан озод этиладилар.

Хорижий давлатлар фуқаролари Фанлар академиясида белгилаган тартиб асосида аспирантура ва докторантураларга қабул қилинади.

Докторантурага, ўзи танлаган соҳада докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, ўзини истиқболли илмий ва илмий-педагогик ходим сифатида намоён қилган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим халқ хўжалиги ҳамда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган 40 ёшдан ошмаган фан номзодлари қабул қилинади.

Қабул комиссияларининг қарорлари аспирантура ва докторантурага кирувчиларга бир ҳафталик муддатда эълон қилинади.

Республика вазирлик ва идоралари, ўқув юртлари ва ташкилотлари томонидан мақсадли аспирантура ва докторантураларга кириш учун тавсия этилган мутахассислар илмий муассасалар ҳисоб рақамига белгиланган тўловни ўтказганларидан сўнг кириш имтиҳонларига киритиладилар.

35106/1996

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги кафедраларнинг вакант ўринларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Гидромелиорация факультети

- **Гидравлика кафедраси:** *доцент.*
- **Гидрология ва гидрогеология кафедраси:** *кафедра мудири, доцент.*
- **Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш кафедраси:** *профессор, катта ўқитувчи, ассистент.*
- **Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси кафедраси:** *кафедра мудири, профессор, доцент.*
- **Экология ва сув ресурсларини бошқариш:** *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.*
- **Физика ва кимё кафедраси:** *профессор, доцент, катта ўқитувчи, асистент.*
- **Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси:** *доцент, асистент.*
- **Жисмоний тарбия кафедраси:** *асистент.*
- **Гуманитар фанлар кафедраси:** *катта ўқитувчи, асистент.*

Ирригация гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш факультети

- **Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкцияси кафедраси:** *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, асистент.*
- **Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси:** *доцент.*
- **Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси кафедраси:** *ассистент.*
- **Назарий ва қурилиш механикаси кафедраси:** *ассистент.*

Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш факультети

- **Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва уларнинг технологияси кафедраси:** *кафедра мудири.*
- **Гидромелиоратив ишларни механизациялаш кафедраси:** *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.*
- **Гидромелиоратив тизимларни электр энергияси билан таъминлаш ва уларнинг электр жиҳозларидан фойдаланиш кафедраси:** *катта ўқитувчи.*
- **Сув хўжалиги электротехникаси ва уни автоматлаштириш кафедраси:** *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.*
- **Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси:** *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.*

Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети

- **Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси:** *кафедра мудири, катта ўқитувчи.*
- **Геодезия ва ер кадастри кафедраси:** *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.*
- **Тупроқшунослик ва деҳқончилик кафедраси:** *катта ўқитувчи.*

Сув хўжалигини бошқариш ва иқтисодиёти факультети

- **Сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти кафедраси:** *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.*
- **Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси:** *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.*
- **Иқтисодий назария асослари кафедраси:** *кафедра мудири.*
- **Ўзбек ва чет тиллари кафедраси:** *катта ўқитувчи.*
- **Ахборот технологиялари кафедраси:** *доцент, ассистент.*
- **Олий математика кафедраси:** *катта ўқитувчи.*

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:
- *ариза;*
- *шахсий варақа (сўровнома);*
- *2 дона фотосурат;*
- *илмий ишлар ва мақолалар рўйхати;*
- *дипломлардан нусха.*

Аризалар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, ТИМИ кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Телефонлар: 137-19-49, 133-16-66.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура ва аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА

04.00.06 — Гидрогеология
05.13.01 — Техник тизимларда бошқарув
05.17.08 — Кимёвий технология аппаратлари ва жараёнлари

АСПИРАНТУРА
Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

01.04.04 — Физик электроника
01.04.10 — Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси
04.00.06 — Гидрогеология
04.00.11 — Геология, металлогения
04.00.22 — Геофизика
05.02.01 — Машинасозлик материалшунослиги (тармоқлар бўйича)
05.02.04 — Машиналарда ишқаланиш ва ейилиш
05.02.08 — Машинасозлик технологияси
05.03.05 — Босим билан ишлов бериш жараёнлари ва машиналари
05.03.06 — Пайвандчилик технологияси ва машиналари
05.09.05 — Назарий электр техника
05.11.13 — Табиий муҳит, моддалар, материал ва буюмларни назорат қилиш асбоблари ва усуллари
05.13.01 — Техник тизимларда бошқарув
05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
05.13.07 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
05.13.13 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари
05.14.02 — Электр станциялар (электр қисми), тармоқлар, электр-энергетика тизимлари ва уларни бошқариш
05.14.04 — Саноат иссиқлик энергетикаси
05.14.10 — Гидроэлектр станциялар ва гидроэнергетик қурилмалар
05.15.01 — Маркшейдерия
05.15.06 — Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш
05.17.04 — Оғир (ёки асосий) органик синтез маҳсулотлари технологияси
05.17.08 — Кимёвий технология аппаратлари ва жараёнлари
05.20.04 — Қишлоқ хўжалиги ва гидромелиорация машиналари
05.21.03 — Ёғочни кимёвий қайта ишлаш технологияси ва ускуналари; ёғоч кимёси
07.00.02 — Ўзбекистон тарихи
08.00.01 — Иқтисодий назария
08.00.04 — Микроиқтисодиёт
08.00.05 — Менежмент
09.00.03 — Фалсафа тарихи

Докторантура ва аспирантурага кирувчилардан ариза ва ҳужжатлар 2006 йилнинг 27 ноябригача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлимига:

Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДТУнинг бош биноси, 413-хонага мурожаат қилинг. Телефон: 393-19-47, ички телефон: 236.

«PFAFF ZINGER савдо уйи» шўъба корхонаси

қайта ташкил этилаётганлиги муносабати билан юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам ҳуқуқий ворислик янги ташкил этилган юридик шахс зиммасига ўтади.

Мурожаат учун телефон: 144-24-05.

Жорий йилнинг 15-17 ноябрь кунлари

тармоқ техника-савдо марказида «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси корхоналарида ишлаб чиқарилган электротехника, электрон маҳсулотлари, шу жумладан, халқ истеъмоли моллари

САВДО ЯРМАРКАСИ

ўтказилади.

Ярмаркада қуйидаги йирик ишлаб чиқарувчилар ва бошқа корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилади:
«Ўзкабель» ОАЖ ҚК, «Андижонкабель» ОАЖ ҚК, «Дойче Кабель АГ Тошкент» ОАЖ ҚК, «Чирчиқ трансформатор заводи» ОАЖ ҚК, «Сино» ОАЖ, «Фотон» ОАЖ, «Оникс» ОАЖ.

Сизларни қуйидаги манзилда жойлашган савдо ярмаркамизга таклиф этамиз: Тошкент шаҳри, Моваронаҳр кўчаси, 13-уй. Мўлжал — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Марказий банк бинолари жойлашган чорраҳа.



Обуна «Халқ сўзи»дан бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишлаб Термиз шаҳрида ўтказилган анжуманда Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуратов оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаб, воҳада ноябрь даврий нашрларга обуна ойи бўлишини уқтириб ўтди.

— Ноябрнинг обуна ойи деб айтилгани кўнгилдаги гап бўлди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Абдирасул Эргашев. — Мактабларимизда «Маънавият асослари дарслик сифатида ўқув дастурига киритилди. Матбуотда, хусусан, «Халқ сўзи» газетасида ушбу ўқув машғулоти учун қўлланма бўладиган мақолалар чоп этилади. Газета — маънавият осмонининг қуёши. Таҳририятлар ҳам ўз ишларини шу юксак мақомга мослаб юритсалару, ҳар бир янги газетадан биз баҳра олсак. Теша тегмаган, тилимизнинг учида турган гапларни ўқиб кўнгилларимиз ёришса.

«Халқ сўзи» ҳамишадагидек, келгуси йилда ҳам 832 та мактаб жамоаларимиз учун энг ўқишли, қадрдон газета бўлиб қолади. Обунани биз айнан «Халқ сўзи»дан бошлаганимиз боиси ҳам — шу.

— Мен маошимдан, деҳқон хўжалигим даромадидан тежаб-тергилаб ўзим учун шахсий обуна жамғармасини таъсис этганман, — дейди Қизириқгаз корхонаси раҳбари Мамаражаб Холиёров. — Ва обунани, одатдагидек, «Халқ сўзи»дан бошлайман. Янги газетани мен тандирдан энди узилган иссиқ нондек азиз биламан. «Халқ сўзи»нинг менда ўн йиллик тахлами бор. «Халқ сўзи» бу — Мустақиллигимизнинг тарихи. Бугунги ҳаётимизнинг таҳлили. Миллий ғоямизнинг жарчиси.

— Бугун ҳамкасбларимга — фермерларга диққат билан назар ташлайман, — дейди яна бир суҳбатдошимиз қумқўрғонлик Эргаш Бобоқулов. — Ҳозир уларнинг фикрлашлари тиниқ. Мулоҳазалари — жиддий. Қизиқиш — интилишлари ҳам жиддий. Ҳатто, қайси газетани, газетадаги қайси мақолани ўқишни яхши фаҳмлашади. Фермерлар даврасидаги бир гурунгда шу ҳақда гаплашиб қолдим. Кўпчилигимиз «Халқ сўзи»га обуна бўлишни лозим топдик. Ўйлайманки, бу аҳдимизга қўшиладиган фермерлар оз эмас.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 2006 йилга қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади:

ДОКТОРАНТУРА

Ҳозирги миллий адабиёт

АСПИРАНТУРА

Ҳозирги миллий адабиёт; миллий адабиёт тарихи; Европа, Америка ва Австралия халқлари адабиёти; адабиёт назарияси; фольклоршунослик; журналистика; герман тиллари; роман тиллари; туркий тиллар; умумий тилшунослик, социолингвистика, психолингвистика; қиёсий-тарихий типологик ва қиёсий-тилшунослик, таржима назарияси; педагогика назарияси ва тарихи; ўқитиш назарияси ва услубияти.

Аспирантурага кирувчилар олий таълим муассасалари дастури ҳажмида қуйидаги танлов имтиҳонларини топширадилар:
- *мутахассислик бўйича;*
- *фалсафа;*
- *чет тили;*
- *Ўзбекистон тарихи.*

Ҳужжатлар 2006 йил 1 декабргача қабул қилинади.

Манзилимиз:
700138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, Г-9а мавзеси, 21-«А» уй.

Телефонлар:
(998712) 75-89-48, 75-55-57.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш учун қабул эълон қилади:

08.00.01 — иқтисодий назария;
08.00.03 — макроиқтисодиёт;
08.00.05 — менежмент;
08.00.06 — эконометрика ва статистика;
08.00.07 — молия, пул муомаласи ва кредит;
08.00.08 — бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит.

Керакли ҳужжатлар:
- *ариза;*
- *ходимларни ҳисобга олиш варақаси ва таржимаи ҳоли;*
- *иш жойидан тавсифнома-тавсиянома;*
- *ихтисослик бўйича реферат (илмий ишлар ва ихтиролар эълон қилинмаган бўлса);*
- *диплом ва баҳоларнинг тасдиқланган нусхаси;*
- *меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;*
- *нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва нусхалари;*
- *саломатлиги тўғрисида тиббий маълумотнома;*
- *4хб ҳажмдаги 4 та фотосурат;*
- *паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади;*
- *аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш ёки давлат аттестация комиссиясининг баённомасидан кўчирма (олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса).*

Қуйидаги ихтисослик бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурага қабул эълон қилади:

08.00.07 — молия, пул муомаласи ва кредит.

Керакли ҳужжатлар:
- *ариза;*
- *ходимларни ҳисобга олиш варақаси ва таржимаи ҳоли;*
- *иш жойидан тавсифнома-тавсиянома;*
- *тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режа лойиҳаси;*
- *чоп этилган илмий ишлари, ихтиролари рўйхати (шакл бўйича) ҳамда уларнинг нусхалари;*
- *олий маълумот, фан номзоди дипломлари ва доцент (катта илмий ходим) аттестатининг тасдиқланган нусхаси;*
- *меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;*
- *саломатлиги тўғрисида тиббий маълумотнома;*
- *4хб ҳажмдаги 4 та фотосурат;*
- *паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.*

Ҳужжатлар 2006 йил 30 ноябргача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, 7-уй, аспирантура ва докторантура бўлими. Телефонлар: 134-76-31, 134-55-38.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2007 ЙИЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИГА РАССОМЛАР ВА ДИЗАЙНЕРЛАР ЎРТАСИДА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР:

АРХИТЕКТУРА, ФЛОРА, ФАУНА, МИНИАТЮРА, СПОРТ, ТАРИХИЙ КИЙИМЛАР, ТАҚИНЧОҚЛАР ВА БОШҚА БУЮМЛАР БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Манзил: Тошкент ш., Навоий к., 28-«В» уй, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Ўзбекистон маркаси» филиали. Мурожаат учун телефонлар: 133-70-33, 144-48-72.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Одамлар орасида баъзан асаб ёки руҳий касалликка чалинганларнинг шифокор ёрдамисиз ҳам соғайгани ҳақидаги гаплар қулоққа чалиниб қолади. Нафаси ўткир домла қўлида дарддан бутунлай фориғ бўлганларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлаган пайтларимиз бўлган. Мабодо бирор хасталикка чалингудек бўлсак, домлага ихлос қўйиб соғайган танишимиз эсга тушади. Ва беихтиёр касалимиз қандай бўлишидан қатъи назар "дам солдириш"га жазм этамиз. Хўш, аслида шифокордан кўра кўпроқ ишонч уйғота олган домлаларнинг ёрдами ҳар доим ҳам наф бера оладими? Дейлик, паришонхаёл бўлиб қолган ёхуд асаби чарчаган одамни шифокор кўригига олиб бормасдан домла ҳузурига бошлаш ҳар доим ҳам тўғримикин? Шифокорнинг ўзи бу борада қандай фикрда?

ДАВОНИНГ ДЕБОЧАСИ — ИХЛОС

— Тўғри, Яратганнинг ўзи ато этган қобилият эгалари, чуқур диний билимли инсонларга ихлос қўйиб шифо топганларни инкор этиб бўлмайди, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси учинчи клиникасининг олий тоифали шифокори, невропатолог Омонжон Ғуломов. — Лекин бундайлар орасида фирибгарлик, алдоқчилик йўли билан пул топишни мақсад қилганлар ҳам йўқ эмас. Уларга беморнинг ҳаётини ишониб бўлмайди. Неврология соҳасида фаолият юритганим боис бундай ҳолатларга кўп дуч келганман. Турли хил дам солиш, "куф-суф"ларга ишониб, касалликни тузалмас даражага олиб бориш ҳеч гапмас. Баъзан беморлар аҳволи руҳий ва асаб хасталиклари оралиғида ҳам бўлади. Агар улар ўз вақтида шифокор ҳузурига олиб келинса, руҳий касалликдан сақлаб қолинади ҳамда невропатолог мутахассислар ёрдамида шифо топишига кафолат бериш мумкин. Бугунги кунда неврология соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳам бунга исбот бўла олади. Компьютер томографияси ёрдамида беморга аниқ ташхис қўйилиб, даволаш ишлари дарҳол бошлаб юборилади. Натижада бой берилмаган вақт ва аниқ ташхис туфайли ҳар қандай оғир касалликнинг олди олинади.

— Бугунги кунда беморлар орасида асаб касалликларининг қандай турлари кўпроқ учрайди?

— Сўнгги пайтда болаларда туғма асаб касалликлари кўзга ташланаётган бўлса, катта ёшли беморларда кўпинча гипертония (хафақон), бош мия қон томирлари хасталикларини кузатиш мумкин. Ўсмир ва ёшларда эса асосан ўқиш ва айниқса компьютерга меъёридан ортиқ даражада берилиш, шунингдек, кучли ҳаяжон оқибатида асаб касалликлари юзага келаяпти. Уларнинг олдини олиш учун овқатланиш тартибидан тортиб, қай тарзда меҳнат қилишгача бари-барини тўғри ва меъёрида йўлга қўйиш лозим. Чунки бош мия фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар турмуш тарзимизда йўл қўйилган оддийгина хатоликлардан келиб чиқади. Мисол учун, болада туғма асаб касаллиги қандай қилиб юзага келади? Албатта, онанинг ҳомиладорлик пайтида бош мия фаолияти учун зарур бўлган моддаларни етарлича истеъмол қилмаслик, ҳаяжонланиш, онада анемиянинг мавжудлиги, қолаверса, ҳомиладорлик пайтида турли хил юқумли касалликларга чалиниш оқибатида дунёга келажак фарзанд туғма асаб хасталикларидан азият чекиши мумкин.

— Бу касалликнинг наслдан наслга ўтувчи турлари ҳам борми?

— Штрюмпель (оёқ фалажи), Фридрих (оёқ фалажи ва чайқалиб юриш), туғма мушак-нерв касалликлари, эпилепсия (тутқаноқ)нинг айрим турлари, ақлий заифлик ва руҳий касалликларнинг ген орқали авлоддан авлодга ўтиш хавфи бор. Мазкур касалликларга чалинган беморларда хасталикнинг келиб чиқиши кўпинча наслий омилларга бориб тақалади.

— Асаб касаллиги билан руҳий хасталикнинг бошланғич шаклини қандай фарқлаш мумкин?

— Тўғри, улар баъзан адаштириб юборилади. Айниқса, бола ва ўсмирларда. Лекин ҳар икки хасталикнинг орасида катта фарқ бор. Масалан, сал паришонхаёл бўлиб қолиш, нималарнидир тез-тез унутиб қўйиш, жазаваси тутиб қолиш — бу руҳий касаллик белгиси эмас. Бундай беморлар биринчи навбатда невропатолог кўригига олиб келиниши шарт. Руҳий касаллик эса нафақат атрофдагиларга, балки ўз шахсиятига нисбатан ҳам бутунлай бефарқлик, ўз руҳий ҳолатига баҳо беролмасликдир.

— Дардига малҳам излаб шифокор ҳузурига келган ҳар бир инсонда аввало унинг соғайишига умид уйғота олиш жуда муҳим, менимча. Айнан невропатолог бу борада қандай вазифаларни уддалаши лозим, деб ўйлайсиз?

— Албатта. Бизнинг соҳа шифокорларидан ширинсуханлик, кучли руҳшунос бўлиш талаб этилади. Эллик фоиз дардга даво шифокорнинг, аввало, беморни илиқ кутиб олишига боғлиқ. Невропатолог ҳузурига бемор камдан-кам ҳолларда хуш кайфиятда, ҳаётдан мамнун ҳолда келади. Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз унинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиш, худди қизиқчи одамларни кулдиришга жонжаҳди билан ҳаракат қилгандай, биз ҳам беморнинг ички дардини ҳар қандай ҳолатда бўлсин, тинглашимиз ва энг аввало, унинг руҳини кўтаришга эришишимиз даркор.

Юқорида "дам солиш" ҳақида гапириб ўтдик. Шу усулни қўллаганлар нима сабабдан шифо топгани ўз-ўзидан аён. Боиси, уларда ихлос кучли бўлган. Чунки инсон руҳияти шундайин нозикки, агар унинг қалбига кириб бориб, дардига шерик бўлсангиз, соғайишига умид уйғота олсангиз, дори-дармонсиз ҳам оёққа туриши ҳеч гап эмас. Нега энди биз шифокорларда шундай хислат бўлмаслиги керак? Очиғини айтганим учун айбга буюрманг-у, билими, тажрибаси бўла туриб, оддийгина муомала маданиятини билмаган шифокорлар ҳам орамизда учраб туради. Баъзан одамларнинг дўхтирга ишончсизлиги, касалликни ўтказиб юборишига ўз касби олдидаги масъулиятни ҳис қилмайдиган шундай ҳамкасбларимиз ҳам сабаб бўлиб қолмоқда. Шу боис бизнинг соҳа вакиллари беморни нафақат жисмоний ҳиҳатдан, балки маънавий, руҳий томондан ҳам қўллаб-қувватлаши зарур.

"Халқ сўзи" мухбири Муборак ОХУНОВА суҳбатлашди.

Болалар спорти

Чиниқиш кошонаси

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти филиали ташаббуси билан Зангиота туманидаги "Иттифоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мазкур спорт мажмуасида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларига 130 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— Айни пайтда бу ерда 500 нафардан ортиқ ўғил-қиз спортнинг ўн икки тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлди, — дейди туман халқ таълими бўлими бошлиғи Абдулла Раҳматуллаев. — Мазкур спорт мажмуасига жамғарма филиали томонидан 14 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

Мажмуани ободонлаштириш, газ, иссиқлик ва электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш ишларига туман ҳокимлиги томонидан 80 миллион сўм ажратилди.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

Дутор японча янграйди

Пойтахтимиздаги инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон марказида ўзбек миллий чолғу асбоблари ижрочиларининг концерти бўлиб ўтди.

Тадбир мамлакатимизда япон маданият кунларига бағишланган бўлиб, миллий чолғу асбобларидаги куй ва қўшиқларни Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ҳамда Тошкентда истиқомат қилаётган япон миллати вакиллари ижро этишди. Концерт дастури давомида Японияда машҳур бўлган "Шимаута" гуруҳининг кунчиқар мамлакат ҳақидаги қўшиқлари томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди.

— Инсон захираларини ривожлантириш ўзбек-япон марказида очилган дутор чалишни ўргатиш курслари мунтазам ишлаб турибди, — дейди марказ раҳбари Инаба Ясуши. — Очилганига эндигина бир йил тўлган дутор курсларига нафақат ўзбек миллий чолғу ихлосмандлари, балки санъатингиз ва маданиятингизга қизиқувчи японияликлар ҳам қатнашмоқда.

Юлдуз РИЗАЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

АЖАБО!

Бахтиёр Қўчқоровга ишонч билдириб, «Полвонкўл» маҳалласи оқсоқоллигига сайлаганларида у бу вазифани ўзига сийлов, деб билган экан. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас «Жамоатчиликка суяниб, қонун ва адолат доирасида иш олиб бораман», дея берган ваъдаларини унутди, маҳалладошлари дардига қулоқ тутиш, оғирини енгил қилиш ўрнига нафс домига илинди. Иш фаолиятини бошлаган дастлабки пайтлардаёқ кам таъминланган оилаларга давлат нафақасини белгилаш ҳуқуқи маҳалла фуқаролар йиғинларидаги махсус комиссияларга юкланганини кўриб, кўнглига эгрилик оралади.

НАФАҚАГА ХИЁНАТ

Фуқаро Рустамжон Раҳматов 2005 йилнинг 10 декабрида тўрт нафар фарзандига нафақа тайинлашни сўраб, оқсоқолга ариза топширади. Раис масала тез кунлар ичида ҳал этилишини айтиб, аризачини кузатадию, дарров тўлов варақасига мазкур ойдан 16450 сўм нафақа белгиланганги ҳақида сохта маълумот ва ёзувлар киритади. Р. Раҳматовнинг имзосини «ўхшатиб» қўяди-да, пулларни киссасига уради. МФЙ қошидаги комиссия аъзолари аризани кейинги йилнинг март ойидагина кўриб чиқадилар. Раис бу орада иккинчи бир қалбакиликка йўл қўйиб улгуради. Қандай қилиб денг. Фуқаро Зиёда Мингбоеванинг икки нафар фарзандига нафақа тайинлашни сўраб берган аризасини комиссия аъзоларига тақдим қилмасдан, ўзбошимчалик билан ўзи асоссиз рад этади-да, декабрь ойи тўлов варақасига унинг номини тиркайди. Қоғозга 9400 сўм пул олинганлиги ҳақидаги белги тушади. Бахтиёрга бу ишларда Халқ банки Норин тумани филиалининг 3-шохобчаси бухгалтер-назоратчиси Раъно Исоқова ёрдам қўлини чўзади.

— Декабрь ойида ариза бергандим, — дейди Р. Раҳматов. — Шу орада онам вафот этиб, маросимлари билан овора бўлиб қолдим. Нафақа тайинландими-йўқми, хабар ололмадим. Кейин билсам, аризам 2006 йил март ойида қаноатлантирилган экан. Бир куни текширувчилар декабрь ойида пул олган-олмаганлигимни суриштиришди. Кимдир менинг имзомни қўйиб, пулни олганини айтишганида, рости гап, ҳайрон қолдим. Июнь ойида Р. Исоқова ўша 16450 сўмни ташлаб кетди. Унинг ноқонунийлигини билиб, кассага топширдим.

Ана оқсоқолнинг қиёфаси. Агар у йўлдан адашмаганида бошига мусибат тушган кишига ёрдам бериш ўрнига унинг номига пул ёзиб ўзлаштирармиди?! З. Мингбоеванинг икки норасидаси ҳақига кўз олайтиргани-чи?

Раиснинг хурмача қилиқлари бугина эмас экан. У Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ташкил этиш тўғрисида» ва «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабларини қўпол равишда бузиб, ўтган йил декабрь ойида 67 нафар фуқаронинг аризасини қабул қилади-да, унинг учтасинигина комиссия аъзолари иштирокида кўриб чиқади. Қолганларини ваколат доирасидан четга чиқиб, ўзи ҳал қилиб юборади. Шунда ҳам адолатли иш тутганда эди. Қаёқда, 29 нафар фуқарога нафақа тайинлаб, қолган 35 кишининг аризасини асоссиз рад этади ва уларнинг манфаатларига жиддий зиён етказади. Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида 22 фуқародан тушган аризанинг ҳам ярминигина комиссия аъзоларига ҳавола этади-да, қолганини ўзи рад этади-қўяди. Бундан ташқари, мазкур ойда МФЙда нафақа тайинлаш ҳуқуқини берувчи мезон белгиланмагани, оилаларнинг моддий аҳволи тўғрисида далолатнома тузилмагани ва комиссия аъзолари томонидан тасдиқланмагани ҳолда иш олиб борилгани туфайли давлатнинг 306140 сўм маблағи ортиқча сарфланишига йўл қўйилган.

Умуман олганда, «Полвонкўл» маҳалласи оқсоқолининг ўз нафсини кўзлаб иш тутиши натижасида 52 нафар фуқаронинг аризаси асоссиз рад этилиб, улар манфаатига 841170 сўм зарар етказилишига, аксинча моддий аҳволи яхши бўлган 64 фуқарога нафақа тайинлаб, бюджет маблағларидан 781310 сўм ортиқча сарфланишига йўл қўйилган. Албатта, айбдорлар қонуний жазосини олди.

Маҳалла оқсоқоли. Бу вазифага лойиқ кўрилган одам иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли, кўпчилик учун қайғурадиган киши бўлмоғи лозим. Унинг туриш-турмуши, оила юритиши барчага ибрат бўлсин. Йиғин раисларини сайлаш чоғида, энг аввало, номзоднинг ана шу томонлари пухта ўрганилмоғи шарт. Акс ҳолда юқоридаги сингари ҳолатлар бўй кўрсатиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шавкат РЎЗИЕВ, Норин тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси. Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

FAYZ HOLDING COMPANY

Мебель ва мебель маҳсулотлари истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари, ташкилотлар, улгуржи савдо корхоналари ва хусусий тадбиркорлар диққатига!

2006 йил 15-17 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида «ФАЙЗ МЕБЕЛЬ КЎРГАЗМА САВДО» биносида республикамиздаги мебель ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналарнинг УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Ҳар хил турдаги мебель, ламинатланган плиталар, поролон, мебель учун фурнитура ва ортопедик матрасларга буюртмалар бериш ва шартномалар тузишга бағишланган ярмаркамизга таклиф этамиз!

Республика улгуржи савдо ярмаркасини ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Сергели-3 даҳаси, Массон кўчаси, 1-уй, «Файз мебель кўргазма савдо».

Мурожаат учун телефонлар: 58-03-93, 58-12-22.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК–МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2006 ЙИЛ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

АСПИРАНТУРАГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА:

- МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ;
- БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ — 2006 ЙИЛ 15 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА.

МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: 100000, ТОШКЕНТ Ш., Х. ОРИПОВ К., 16-УЙ. ТЕЛЕФОНЛАР: 68-66-38, 68-52-16.

Самарқанд шаҳридаги "Динамо" стадионида моҳир футболчи Илҳом Шариповнинг профессионал футболчилик фаолиятини якунлаши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ САМАРҚАНДДА БЕЛЛАШДИ

Футболчилик фаолиятини 1986 йилда Самарқандининг "Динамо" жамоасида бошлаган Илҳом Шарипов "Пахтакор" (Тошкент), "Навбаҳор" (Наманган), "Дўстлик" (Тошкент вилояти) каби клубларда муваффақиятли тўп сурган. Фаолиятининг сўнгги йилларини "Самарқанд-Динамо" жамоаси сафида ўтказган ярим ҳимоячи чемпионатлар давомида 392 марта майдонга тушиб, 58 голга муаллифлик қилган.

У икки марта Ўзбекистон чемпиони, кумуш ва бронза медаллари совриндори, мамлакат кубоги соҳиби бўлган. Мамлакат терма жамоаси аъзоси сифатида 33 марта майдонга тушган.

Тантанали маросимни "Пахтакор" ва "Самарқанд-Динамо" фахрий футболчилари ўртасидаги учрашув безади. Шу куни стадионга келган минглаб томошабинлар Марат Кабаев, Мустафо Билолов, Фарҳод Магометов, Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов, Шуҳрат Мақсудов каби ўзбек футболи юлдузлари ўйинига яна бир бор гувоҳ бўлди. Беллашувда Жаъфар Ирисметов, Равшан Бозоров, Павел Бугало, Нўъмон Ҳасанов, Ойбек Усмонхўжаев каби моҳир футболчилар ҳам иштирок этди.

Асосий вақти 5:5 ҳисобида дуранг билан якунланган ўйинда самарқандлик футболчилардан Зокир Нарзуллаев иккита, Ҳамза Жабборов ва Равшан Бозоров биттадан гол муаллифи бўлди. "Пахтакор"нинг голлари Азамат Абдураимов, Сергей Ковшов, Рустам Дўрмонов ва Шуҳрат Мақсудов ҳисобига ёзилди. Ҳар икки жамоа таркибида бир бўлимдан тўп сурган Илҳом Шарипов эса иккала жамоа дарвозасига биттадан гол урди. Учрашув ғолиби пенальтилар сериясида аниқланди ва унда «Самарқанд-Динамо» футболчилари 4:3 ҳисобида ғолиб чиқди.

Тантаналарда иштирок этган ёш спортчилар, бадиий дасталар ва эстрада хонандаларининг чиқишлари, шўх куй-қўшиқлар стадионга келган мухлисларни хушнуд этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

ШХК "KOSMO MED ELEKTRONIKS" таклиф этади: Товар сертификатланган

ЭМАЛЛАНГАН СИМ ПЭТВ-2 электродвигателларни таъмирлаш учун Ø 0,355-1,60.

ЭЛЕКТРОТОВАРЛАР (Россияда ишлаб чиқарилган)

Тел.: 360-37-62 Тел./ф 360-47-65.

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11 факс 134-49-58

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси жамият бош директорининг биринчи ўринбосари Сувон Нажбиддиновга волидаи муҳтарамаси **ҲОКИМАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Римма Ашуровна АҲМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00 23456